

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53402-4.02

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ
фанидан
ДАСТУР**

Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"

таълим соҳасидаги 5340200 - "Менежмент"

бакалавриат йўналиши учун

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Собиржонова Д.,
к.ўқ. Сулаймонов Б.

Такризчилар: проф. Зайнутдинов Ш.,
доц. Ибрагимов П.

Мазкур ўқув дастури иқтисодий йўналишлардаги Олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган. Иқтисодиёт соҳасининг ишлаб чиқариш корхоналарида фаолият юритувчи бакалаврлар менежмент масалалари яхши тушуна олишлари керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолиятнинг барча соҳаларида менежментга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ушбу ўқув дастури мавзуларида инновацион менежментнинг тегишли назарий масалалар кўриб чиқилган.

Мазкур ўқув дастуридаги мавзулар талабаларга инновацион менежмент билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда асосий назарий йўналишларни ўзлаштириб олишлари учун ёрдам беради.

Данная учебная программа предназначена для студентов экономических вузов.

Специалисты работающие на производственных предприятиях в экономической сфере должны хорошо ориентироваться в вопросах менеджмента.

В настоящее время в условиях рыночной экономики менеджменту уделяется большое значение во всех сферах деятельности. В темах данного курса рассмотрены теоритические вопросы, касающиеся инновационного менеджмента.

Данный курс лекции, предусмотренный программой поможет студентам освоить основные теоритические аспекты необходимые для решения проблем связанных с инновационном менеджментом.

The experts working on manufacture and enterprises in economic sphere should well be guided in questions of management.

Now in conditions of market economy the large value in all spheres of activity is given to management. In subjects of the given rate the theoretical questions concerning management are considered.

The given rate of lectures stipulated by the program will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected with management.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтиш даврида жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув масалаларини чуқур ўрганишга асосланган янги шароитлар юзага келмоқда.

Бозор иқтисодиёти раҳбарлар ва мутахассисларга жиддий талаблар қўяди. Бу ташкилотларни ривожлантиришнинг самарали стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурияти билан боғлиқ. Бундай муаммоларни фақатгина бошқарув муносабатларини тушунувчи мутахассисларгина ҳал қилишади.

"Инновацион менежмент" курсининг мақсади бўлажак хўжалик раҳбарларини ва бошқарув мутахассисларида ташкилотларни бошқаришдаги функциялаштиришнинг барча жабҳаларида бошқарувнинг чуқур илмини шакллантиришдан иборат.

Бу курс бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланиши шароитида мутахассисларни тайёрлашнинг асосини таъминлаш заруриятидан келиб чиқади.

"Инновацион менежмент" фани бошқарувчи - мутахассислар билимини шакллантирувчи базавий фанлардан бири ҳисоблансада, умумиқтисодий, махсус ва бошқа фанлар билан ҳам мустаҳкам боғланган.

Ушбу фан дастурининг мақсади бакалавр йўналишидаги талабаларга ташкилотлар фаолиятида инновацион менежментнинг назарий ва амалий характердаги асосий ҳолатларидан фойдаланиш билимини беришдир.

Ўрганилаётган фан предмети инновацион менежмент ва унинг унсурларидан ташкил топган. Инновацион менежментда инновацияларни бошқаришнинг илмий асослари, шунингдек ташкилот ходимларини бошқариш, ўқув-тарбия жараёни ва иқтисодиётини бошқариш масалалари ёритилган.

Ўрганилаётган фан "Менежмент", "Иқтисодий назария", "Маркетинг", "Иқтисодий билим тарихи", "Микроиқтисодиёт", "Тадбиркорлик асослари" фанларини назарий ўрганиш натижасида яратилган.

"Инновацион менежмент"да ўрганилаётган, кўпгина масалалар юқорида қайд этилган фанларда олинган билимларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Талабалар фанни ўрганиш жараёнида дастурга киритилган ҳар бир мавзу бўйича билимига эга бўлишлари ва ўз билимларини амалий машғулотларда кўрсатиб, баҳоланиб боришлари зарур. Ўқув жараёнида назорат ишларини бажаришлари, мустақил таълим мавзуларини ўқитувчи ёрдамида ўрганишлари, мустақил иш сифатида рефератлар тайёрлашлари, фанга оид чизмалар ва жадваллар тайёрлаб келишлари ҳамда тегишли тартибда оралиқ, жорий ва якуний баҳолашда рейтинг балларини тўплашлари керак.

Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Семинар машғулот мавзулари намунавий дастур асосида белгиланиб, ҳар бир мавзуга киритилган саволлар ва тавсия қилинган адабиётлар рўйхати билан бирга алоҳида услубий қўлланма шаклида кўпайтирилади. Семинар мавзуси режасидаги саволлар дастур доирасида тузилиб, маърузада баён қилинадиган масалалар билан мазмунан бир хил бўлсада, шаклан уларни такрорламайди.

Аудитория машғулоти турларнинг соатлар ҳажми

Олий таълимнинг Давлат стандартларида "Инновацион менежмент" фани бакалавр йўналишидаги III-IV курс талабалари учун 162, шу жумладан 54-маъруза, 54-семинар (амалий) машғулот ва 54- мустақил таълим соатлари ажратилган.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Ўқув режасида фанга ажратилган соат юкламасидан келиб чиқиб, аниқланадиган рейтинг баллари 108 балл бўлиб, у назоратнинг алоҳида турларига қуйидаги тартибда тақсимланади:

- жорий баҳолашга семинар машғулотларига ажратилган соат юкламасини 70 фоизи (37,8 балл);
- оралиқ баҳолашга маъруза дарсларига ажратилган соат юкламасининг 70 фоизи (37,8 балл);
- якуний баҳолашга умумий ўқув соатлар юкламасининг 30 фоизи (32,4 балл).

Жорий баҳолаш учун ажратиладиган рейтинг баллари талабаларнинг семинар дарсларидаги фаоллиги, илмий реферат тайёрлаганлиги ва бошқа режалаштирилган

ишларни (мустақил иш бажариш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва ҳ.к.) бажарганлиги учун қўйилади.

Оралиқ баҳолашда талабаларнинг маъруза дарсларидаги фаоллиги ҳисобга олинади, ҳамда икки марта оралиқ назорат (ёзма иш, тест ёки назоратнинг бошқа тури) ўтказилиб, уларга тегишли балл ажратилади.

Яқуний баҳолаш баллари талабаларнинг таянч сўз ва иборалари бўйича бажарган ёзма иши учун қўйилади.

Компьютер, ахборот ва янги педагогик технологияларни қўллаш

"Инновацион менежмент" курсини ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари. қуйидагилардан иборат:

- фанни мазмунини кўрсатувчи кўргазмали альбомлардан фойдаланиш;
- маъруза матнидаги шаклий ва рақамли маълумотларни олдиндан тайёрлаб, талабаларга тарқатиш. Бу усул ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча ёзишдан озод қилади;
- тест саволларини тузиш ва улардан талабалар билимини синашда фойдаланиш;
- "таянч" ибораларни ишлаб чиқиб, уларнинг талабалар томонидан мукамал ўзлаштирилишини таъминлаш;
- айрим мавзулар бўйича маърузаларни Ўзбекистон Республикаси бошқарув органларида фаолият юритаётган етакчи ходимлар томонидан ўтилишини таъминлаш;
- масофавий ўқитишни ташкил этиш, компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланиш;
- хорижий университетлар профессорлари томонидан ўқилган айрим маърузаларни техника воситалари орқали талабаларга намойиш этиш ва бошқалар.

ИНТЕРНЕТ тармоғида мавжуд бўлган фанга тааллуқли сайтлар рўйхати:

1. <http://www.cer.uz>
2. <http://www.referat.ru>
3. <http://www.plekhanov.ru>
4. <http://www.litera.ru>

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

"Инновацион менежмент" фани кундузги бўлим "Менежмент" (соҳалар бўйича) йўналиши 2-курсида ўқув йилининг I ярим йиллигида ўқитилиб, оралик, жорий баҳолашлар (назорат) орқали баҳоланиб, якуний назорат билан тугалланади.

Талаба маъруза ва амалий машғулотларда ўз билимларини чуқурлаштирадilar. Уларнинг олган билим ва кўникмалари юқори курсларда ўтиладиган бошқа фанларни ўзлаштириш учун ҳам асос бўлади ҳамда бу билимларни амалда қўллаш имконини беради.

Фанни ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг асарлари ва маърузаларида иқтисодий муносабатлар, жумладан бозор фаолиятига оид фикрлар, кўрсатмаларни тегишли мавзуларда ишлатиш;
- Ҳар бир мавзу бўйича жадваллар, чизмалар тайёрлаб, улардан кўргазмали курул сифатида фойдаланиш.

2. ФАН ДАСТУРИ

Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари ва қонуниятлари

Инновацион менежментнинг моҳияти. Инновацион йўналиши. Инновацион менежмент ва ижтимоий муносабатларни таркиблаштириш. Инновацион менежмент босқичлари. Функцияли инновацион менежмент. Инновацион фаолият бошқарув объекти сифатида. Инновацион тизимнинг эволюцияси. Инновация ва инновацион жараёнлар классификацияси. Инновациянинг мақсади ва турлари. Инновацион цикллар.

Инновацион менежмент методологияси

Инновацион менежментга илмий ёндашувлар. Бошқарув фани эволюциясининг асосий босқичлари. Инновацион менежмент концепциялари ва ёндашувлари классификацияси. Классик (мумтоз), хулқий ва илмий мактаб. Жараёнли, тизимли, ижтимоий-руҳий ёндашув. Инновацион менежментда тизимли ёндашув. Инновацион менежмент тизимига кириш ва чиқиш параметрлари. Инновацион менежмент тизимида коммуникацион алоқа турлари. Инновацион фаолиятни ташкил этиш тартиби тамойиллари очиқ тизим сифатида. Янгиликни ҳаётий цикл концепциясини моҳияти. Ташкилотнинг ҳаётий цикли.

Инновацион менежмент усуллари ва функциялари

Инновацион менежмент усуллари ва функциялари хусусиятлари. Инновацион тараққиётнинг эътиборли жиҳатлари. Инновацион фаолият бошқарув функцияси тизими. Инновацион менежментнинг назорат турлари. Инновацион менежмент функциялари ва мақсадлари. Инновацион менежмент мақсадлари умумий классификацияси. Инновацион фаолиятни ташкил этиш ва режалаштириш. Инновацион менежментда режалаштириш жараёни. Инновацион менежментда коммуникация жараёни. Мотивацияни бошқариш. Мотивациянинг процессуал модели. Инновацион менежментда қарор қабул қилиш. Бошқарув қарорларини тизимлаштириш. Инновацион менежментда "мақсадлар шажараси".

Инновацион фаолиятнинг янги ташкилий шакллари

Инновацияни ташкил этиш тушунчаси. Илмий техник ва инновацион соҳалар ташкил этишни классификацияси. Инновацион тараққиётнинг ташкилий шакллари. Замонавий инновацион фирма. Келажакдаги инновацион ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион ташкилотларнинг эволюцияси. Инновацион менежментда интеграция ва диверсификация жараёнлари. Диверсификациянинг стратегия вариантлари. Инновацион фаолиятни ташкиллаштиришнинг янги шакллари. Саноат корхоналари ассоциацияси "Енгил метатузилмаси". Стратегик альянси.

Технократ структураси. Технопарк структураси. Консорциум. Молия-саноат гуруҳи.

Инновацион менежмент босқичлари

Инновацион бошқарув фаолияти хусусиятлари. Стратегик пирамидалар. Инновацион фаолият бошқарув объекти сифатида. Инновацион фаолиятда функционал бошқарувнинг роли. Базавий функционал стратегия. Функционал стратегияларнинг келишуви. Стратегия пирамидасини ташкил этишда стратегия ва мақсадларнинг ўзаро алоқалари. Функционал тизим ости инновацион ташкилотлар. Инновацион бошқарувнинг стратегик босқичлари. Инновацион стратегия танлови ва реализацияси. Инновацион стратегия танлови матрицаси. Инновацион менежмент стратегик тизими. Ташкилот ташқи муҳитининг вазиятли таҳлили. Инновацион бошқарувнинг оператив босқичи. Тезкор (оператив) бошқарув тизими. Инновацион фаолият харажатлари.

Янгиликни ишлаш, ўзлаштириш ва ташкил этишни бошқариш

НИОКР ни бошқариш. НИОКР ташкилий тизимини қайта қуриш зарурияти. Инновацион цикл босқичларида НИОКР харажатлари тузилмаси. Янгиликлар техник даражасини баҳолашдаги кўрсаткичлар классификацияси. Янгиликлар

техник даражасининг интеграл кўрсаткичи. Янгиликни жорий қилишни ўзлаштириш ва ташкил этишни бошқариш. Янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўтиш методлари. Технологик қарорни танлаш схемаси. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий омиллари.

Инновацион маркетинг

Инновацион маркетинг турлари. Стратегик инновацион маркетинг. Иқтисодий конъюнктура. Янги маҳсулотни қабул қилиш жараёни. Бозорни тадқиқ этиш тизими. Янги товарларни қабул қилишда инновация истеъмолчиларини категориялари классификацияси. Тезкор маркетингда вазиятли таҳлилнинг роли. Тезкор инновацион маркетинг босқичлари. Инновацияни позициялаштириш жараёни. Янги товарни тарқатишни бошқариш методлари. Тезкор маркетинг ва маркетинг хизматлари функциялари. Инновацион маркетингда вариантли таҳлил.

Инновацион сиёсат

Давлат инновацион сиёсатини моҳияти йўналишлари ва мақсади. Давлат инновацион сиёсатини тадқиқ этиш методлари. Инновацион доирада институционал ва меъёрий-қонуний талабларни ижобий ўзгаришларини шакллантириш. Давлат инновацион сиёсатини жорий қилиш шартлари. Инновацияга сарфланаётган бюджет воситаларини самарадорлигини ошириш тадбирлари. Инновацион жараён фаоллаштириш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион сиёсати

Инновацион лойиҳа. Хўжалик юритувчи субъектни инновацион сиёсатини ишлаш. Имитация. Монте-карло методи. Дельфи методи. Инновацион бозор. Инновацион бозорнинг тузилмавий чизмаси. Инновацион ёндашув. Инновацион таваккал. Таваккалчилик иқтисодий категория сифатида. Молиявий таваккалчилик умумий тизимида инновацион таваккалчиликнинг ўрни. Инновацияга капитал қўйилгани оптимал варианты танлаш. Инновацион таваккалчилик коэффициенти таснифи.

Инновацион жараён

Инновацион жараён тузилмаси ва мазмуни. Инновация -инновацион жараённинг бошланғич босқичи. Ғоянинг техник-иқтисодий асосланганлиги. Инновацион ғояларни ишлаш методлари. Синов ва хатолар методи. Ақлга хужум методи. Морфологик таҳлил. Синектика. Етти марталик қидирув стратегияси. Кашфиётчилик вазифалари ечими назарияси методи. Силжиш ва диффузия

инновацион жараённинг охирги босқичи. Инновациянинг сотиш бўйича асосий уч метод. Инновациянинг иқтисодий самарадорлиги.

Инновацион менежмент ёндашуви

Инновацион менежментда ёндашувларнинг моҳияти ва мазмуни. Инновацион менежмент ёндашувларининг гуруҳлари. Инновацион менежмент ёндашувларининг схематик классификацияси. Бошқарувнинг маркетинг усули. Инновацион маркетингнинг концепцияси. Инновацияда харидорлар талабининг классификацияси. Инновацион маркетинг жараёни. Инновация инжиниринги. Инновация инжинирингини ўзига хос хусусиятлари. Инновацион реинжиниринги. Инновацион бизнес жараёни. Беичмаркинг. Инновацион бренд-стратегияси. Бошқарувнинг баҳо усули. Инновацион бошқарувнинг баҳо усулининг тузилмаси. Инновацион нарх. Мэржер. Мэржер шакллари. Мэржер процедураси.

Рақобатчилик афзалликларини шакллантириш

Рақобатчилик афзалликларини турлари. Рақобатчиликда инновацион менежментнинг функцияси. Рақобатчилик устунликларини шакллантириш стратегиясини ишлаш. Бошқарув жараёнида рақобатчилик устунликларини ташкил этишнинг хусусиятлари. Ишлаб чиқаришнинг инновацион ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда стратегик вариантлар таҳлил методлари. Инновацион фаолиятнинг ишлаб чиқариш техник ташкилий даражасини бошқариш.

Ходимларни инновацион бошқарув

Ташкилотларда ходимларни инновацион бошқаришнинг хусусиятлари. Меҳнат ресурсларини бошқаришнинг босқичлари. Инновацион жамоаларда персонал (ходим)ни баҳолаш мезонлари. Инновацион жамоаларда низоларнинг роли. Конценсусга эришиш жараёни механизми. Инновацион жамоаларда коммуникация.

Инновацияни прогнозлаш эпистемологияси

Эпистемология инновацияни прогнозлашни билиш назарияси сифатида. Унинг моҳияти ва мазмуни. Инновацияни мотивлаштириш. Мотивация жараёни инновацияни ташкил этиш ва сотиш сифатида. Инновациянинг ҳаётий цикллари. Инновация ҳаётий цикл концепциясининг аҳамияти. Инновацияни прогнозлаш методлари. Экстрополяция. Қидирув прогнози. Меъёрий прогноз. Тенденцияни таҳлили асосида прогнозлаш. Интуитив прогноз.

Молиявий инновациянинг синфи

Молиявий инновация моҳияти ва мазмуни. Ўзаро боғлиқ уч тизим ости оқловчанлиги. Молиявий инновациянинг иқтисодий категория сифатида ажралиб турувчи хусусиятлари. Молиявий инновация бозор товари сифатида. Ўзбекистон Молия бозорининг инновацион таснифи.

Интернет - XXI аср инновацион мобили

Электрон савдо. Интернет тармоғи (сети) ривож. Электрон тўловларнинг ўзига хос шакллари. Рақамли пуллар. Транзакция. Электрон пуллар мобил савдоси. Мобил савдо-сотиғи ва уни жорий қилиш. Мобил телефон ёрдамида харид қийматини тўлаш шакллари.

Самарали инновацион дастурни танлаш

Инновацион дастурларда инвестицияларни асослаш. Инвестиция қўйиш йўналишларини аниқлаш. Инновацион қарорлар вариантларини баҳолаш. Янгиликлар дастурини таҳлил қилишда асосий омиллар. Инновацион дастурларнинг бизнес режаси. Бизнес режа таркиби. Режа бўлимлари. Инновацион дастурларни бизнес режалаштириш босқичларида экспертизацияси. Project Expert асосида инновацион дастурни молиявий моделлаштириш. Project Expert функционал имкониятлари ва тузилмаси.

Инновацион лойиҳа ва унинг самарадорлигини баҳолаш методлари

Инновацион лойиҳа-инновацияни ташкил этишнинг янги шакли. Инновацион лойиҳа тузилмаси. Инновацион лойиҳалар классификацияси. Инновацион лойиҳаларни қайта ишлаш фазалари. Инновацион фаолиятни лойиҳали бошқариш. Меъёрий (критерий) кўп мақсадли ёндашувлар. Инновацион лойиҳаларни таҳлил этиш тамойиллари. Инновацион лойиҳаларни самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Лойиҳа самарадорлигини баҳолаш методлари. Даромад индекси методи (PI). Соф жорий қиймат методи (NPV). Ички меъёрий фойда методи (IRR).

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУСИ

Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари ва қонуниятлари

Инновацион менежмент тушунчасининг мазмуни. Инновацион менежмент тизим сифатида. Инновацион менежментнинг вазифалари. Функционал инновацион менежмент. Стратегик инновацион менежмент тушунчаси. Инновацион фаолиятни тезкор бошқариш вазифалари. Новаторлик фирмаларда менежментнинг ўзига хос хусусиятлари. Инновацион фаолиятнинг иқтисодий

тараққийдаги роли. "Инновация" тушунчасининг мазмуни. Инновация мақсадлари. Инновацион цикл босқичлари.

Инновацион менежмент методологияси

Бошқарув фани эволюциясининг асосий таснифи. Инновацион менежмент концепциялари ва ёндашувлари. Инновацион менежментнинг характерли жиҳатлари. Инновацион менежментда тизимли ёндашув. Инновацион менежмент тизимига кириш ва чиқиш параметрлари. Инновацион менежмент очиқ тизим сифатида. Янгилик (новшест) тамойиллари. Инновацион менежмент мураккаб тизим сифатида таркиби ва тузилмаси. Янгилик концепциясининг ҳаётийлик цикли.

Инновацион менежмент усуллари ва функциялари

Ишлаб чиқариш фаолиятининг инновацион йўналиши. Инновацион тараққийнинг аҳамиятли жиҳатлари. Инновацион менежментда коммуникация, мотивация, мувофиқлаштириш функцияларининг аҳамияти. Инновацион менежментда фойдаланиладиган назорат турлари. Инновацион фаолиятнинг ташқи мақсадлари. Инновацион менежмент мақсадлари умумий классификацияси. Инновацион менежментда режалаштириш жараёни. Инновацион фаолиятнинг бошқарув функцияси сифатида вазифалари. Инновацион менежментда қарорлар қабул қилиш тизими.

Инновацион фаолиятнинг ташкил қилиш

Инновацияни ташкиллаштириш тушунчаси. Ташкиллаштириш субъект ва инновацион фаолият сифатида. Ташкилотнинг инновацион фаолият доираси. Инновациянинг ҳаётий цикл босқичлари билан ташкилот турлари алоқаси. Ташкилотларнинг илмий-техник ва инновацион доирадаги классификацияси. Инновацион фаолиятнинг корхонага боғлиқлиги. Инновацион ташкилотлар хусусиятлари. Инновацион фирмалар эволюциясида интеграция ва диверсификациянинг роли. Инновацион фаолиятда молия-саноат гуруҳларининг роли. Инновацион фаолиятнинг вертикал ва горизонтал интеграллашган тузилмадаги хусусиятлари.

Инновацион менежмент босқичлари

Инновацион менежментда жараёнли ёндашув зарурияти. Инновацион менежментни ташкил қилувчи уч қисми. Инновацион жараёнлари параметрлари. Корхоналар инновацион фаолиятининг мотивлари. Корхоналар инновацион стратегияси. Инновацион ташкилотнинг тизим ости бош функцияси. Инновацион

бошқарувнинг стратегик босқич вазифалари. Инновацион стратегияни танлашдаги матрик таҳлил. Инновацион стратегия. Инновацион бошқарувнинг тезкор босқичи. Инновацион фаолиятда ҳаражатлар турлари.

Янгиликни ишлаш, ўзлаштириш ва ташкил этишни бошқариш

Янгиликни ишлаш, ўзлаштириш, ташкил этишда менежернинг вазифаси. НИОКР ни ривожлантиришни бошқаришнинг хусусияти. Янгилик техник даражасини баҳолаш кўрсаткичлари. Янгиликни жорий қилишни ўзлаштириш ва ташкил этишни бошқариш. Технологик қарорни танлаш схемаси. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий омиллари.

Инновацион маркетинг

Стратегик инновацион маркетинг тушунчаси. Янги маҳсулотни қабул қилиш жараёни. Бозорни тадқиқ этиш тизими. Янги товарни қабул қилишда инновацион истеъмолчилари категориялари таснифи. Тезкор инновацион маркетинг босқичлари. Инновацияни позициялаштириш жараёни. Янги товарни тарқатишни бошқариш методлари. Тезкор маркетинг ва маркетинг хизматлари функциялари. Инновацион маркетингда вариантли таҳлил.

Инновацион сиёсат

Давлат инновацион сиёсати мақсади ва уни тадбиқ этиш методлари. Инновацион сиёсатни жорий этиш шартлари. Инновацияга сарфланаётган бюджет воситалари самарадорлигини ошириш тадбирлари. Инновацион жараённи фаоллаштириш.

Хўжалик юритувчиларнинг инновацион сиёсати

Инновацион лойиҳа. Хўжалик юритувчи субъектни инновацион сиёсатини ишлаш. Имитация. Инновацион сиёсат методлари. Инновацион бозор. Инновацион ёндашув. Инновацион таваккалчилик. Молиявий таваккалчилик умумий тизимида инновацион таваккалчиликнинг ўрни. Инновацияга капитални жорий қилишни оптимал вариантини танлаш. Инновацион таваккалчилик коэффициенти таснифи.

Инновацион жараён

Инновацион жараённинг асосий тушунчалари ва таянч иборалари. Бошланғич босқичи. Ғоянинг техник-иқтисодий асосланганлиги. Инновацион ғояларни ишлаш методлари. Янги ғояларни шакллантириш йўллари. Етти марталик қидирув стратегияси. Инновацион жараённинг охириги босқичи. Инновациянинг иқтисодий самарадорлигини ўлчаш усуллари.

Инновацион менежментнинг усуллари

Инновацион менежментнинг усуллари моҳияти ва мазмуни. Инновацион менежмент усуллари гуруҳи. Инновацион менежмент усуллари классификацияси. Бошқарувнинг маркетинг усули. Инновация маркетинги концепцияси. Инновацияга харидорлар талабининг классификацияси. Инновацион маркетинг жараёни. Инновация инжиниринги. Инновацион реинжиниринги. Инновация бизнес жараёни. Бенгмаркетинг. Инновацион бошқарувнинг баҳо усулининг тузилмаси. Инновацион нарх Мэржер.

Рақобатчилик афзалликларини шакллантириш

Рақобат устунлиги (М.Портер бўйича). Рақобатчилик устунлигини шакллантириш. Инновацион менежернинг рақобатчилик устунлигини шакллантиришдаги функцияси. Рақобат устунлигини ёйишнинг идеал модели. Рақобатчилик устунлиги стратегияси. Бозор шароитида рақобатчилик устунлигини оширишдаги менежернинг ҳаракати. Рақобатчилик устунлигини яратиш ва сақлаб туришни бошқариш жараёни. Рақобатчилик устунлигининг ҳаётий цикли. Рақобатчилик устунлиги стратегияси. SWOT-таҳлил моҳияти.

Ходимларни инновацион бошқарув

Ходимларни бошқариш ибораси тушунчаси. Ходимларни инновацион бошқарувнинг юзага келиши. Инновацион менежментда ходимларни режалаштириш ва саралаш. Инновацион фаолиятда ходимларни баҳолаш мезонлари. Шахсларни ўрганиш мезонлари. Инновацион коллективда коммуникация. Инновацион коллективда ижтимоий бошқарувга мослашиш. Инновацион менежментда низолар.

Инновациянинг прогноз турлари

Эпистемология инновацияни прогнозлашнинг тушунчалари ва таянч иборалари. Унинг моҳияти ва мазмуни. Инновацияни мотивациялаш. Мотивация жараёни инновацияни ташкил этиш ва сотиш сифатида. Инновациянинг ҳаётий цикл концепцияси аҳамияти. Инновацияни прогнозлаш методлари. Экстрополяция. Қидирув прогнози. Меъёрий прогноз. Интуитив прогноз.

Молиявий - инновацияларнинг моҳияти

Молиявий инновациянинг тушунчалари. Молиявий инновациянинг ўзига хос хусусиятлари ва кўрсаткичлари. Молиявий инновация бозор товари сифатида. Ўзбекистон молия бозорининг инновацион таснифи. Инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими. Инновацияни молиялаштириш манбалари ва шакллари.

Интернет ва инновацияларининг ўзаро боғлиқлиги

Интернет тармоқларининг таркиби Интернет тармоғининг ривожланиш кўрсаткичлари. Электрон тўловларнинг шакллари. Электрон савдо. Рақамли пуллар. Транзакция. Электрон пуллар. Мобил савдоси. Мобил савдони ўзлаштириш. Мобил телефон ёрдамида харид қийматини тўлаш шакллари.

Самарали инновацион дастурнинг аҳамияти

Инновация дастурнинг тушунчалари. Дастурнинг ўрни ва таркиби Инновацион дастурларда янгиликларни асослаш. Инвестицияларнинг йўналишларини аниқлаш. Инновацион қарорлар тушунчаси ва уларнинг вариантларини баҳолаш. Янгиликларнинг асосий мезонлари. Инновацион дастур бизнес режанинг ўрни. Бизнес режа таркиби. Инновацион дастурларнинг экспертизаси. Project Expert асосида инновацион дастурни молиявий моделлаштириш. Project Expert функционал имкониятлари ва тузилмаси.

Инновацион лойиҳа ва унинг самарадорлигини баҳолаш методлари

Инновацион лойиҳа. Инновацион лойиҳа тузилмаси. Инновацион лойиҳа турлари. Инновацион лойиҳа фазаларини ишлаш. Самарасиз инновацион лойиҳаларнинг сабаблари. Мувоффақиятли инновацион лойиҳалар мезонлари. Инновацион фаолиятни лойиҳали бошқариш зарурияти. Лойиҳаларни бошқаришда менежернинг вазифалари. Янгилик рентабеллигининг молиявий меъёри. Инновацион лойиҳалар самарадорлигининг асосий кўрсаткичлари. Янгиликларни тизимли таҳлили. Лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш методлари.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ РЎЙХАТИ

"Инновацион менежмент" фани бўйича кўргазмали амалий ўқув материаллари

- Инновацион менежмент босқичлари.
- Инновация ва инновацион жараёнлар классификацияси.
- Инновацион менежментда "Мақсадлар шажраси".
- Инновацион тараққиётнинг ташкилий шакллари.
- Инновацион менежмент босқичлари.
- Инновацион маркетинг турлари.
- Янги маҳсулот қабул қилиш жараёни.
- Тезкор инновацион маркетинг.
- Инновацион жараён.

Слайдлар рўйхати

- Инновацион цикллар.
- Инновацион менежмент усуллари.
- Стратегик пирамидалар.
- Янгиликлар техник даражасининг интеграл кўрсаткичи.
- Инновацион лойиҳа.
- Инновацион жараён тузилмаси.
- Инновациянинг иқтисодий самарадорлиги.
- Инновацион дастур.

Ахборот манбалари рўйхати

- Йиллик статистик маълумотлар.
- Корхона (фирма) ҳисоблари.
- Тадбиркорлар уюшмаси ахборотлари.
- Биржа ахборотлари.
- Банк ахборотлари.
- Телевидение, радио янгиликлари.
- Акция курслари жадваллари.
- Воқеалар шарҳи.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

"Менежмент" фанидан назорат қилиш турлари қуйидагича

1. Фан учун белгиланган максимал балл - 108;
2. Фан учун саралаш бали - 59,4. Шу жумладан:
 - жорий баҳолаш - 37,8 балл;
 - оралик баҳолаш - 37,8 балл;
 - якуний баҳолаш - 32,4 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. "Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1996.

3. Каримов И.А. Янгиликка интилиб яшаш – тараққиёт гарови. Т. 5. - Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Абдулов А.Н., Кулькин А.М. Власть, наука, общество. -М., 1999.
5. Автономов В.С. Модель человека в экономической науке. СПб.: Экономическая школа, 1998.
6. Ансофф И. Стратегическое управление. -М.: Экономика, 1999.
7. Беренс В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций. - М.: ИНФРА-М, 1995.
8. Блейк Р., Моутон Д. Научные методы управления / Пер. Сангл. М.: ЮНИТИ, 1997.
9. Валдайцев С. В. Оценка бизнеса и инноваций. М.: ЮНИТИ, 1997.
10. Глазьев С.Ю., Львов Д. С., Фетисов Г.Г. Эволюция технико-экономических систем: возможности и границы централизованного регулирования. - М.: Наука, 1998.
11. Инновационный менеджмент: Справочное пособие / Под ред. П.Н.Завлина, А.Е.Казанцева, Л.Э.Миндели. - СПб.: Наука, 1997.
12. Инновационный менеджмент: Основы теории и практики: Учеб. пос. / Под ред. П.Н.Завлина, А.Е.Казанцева, Л.Э.Миндели. - М.: Экономика, 2000.
13. Кирсанов К., Сцверен Д. Инновационный менеджмент в формировании научно-технической политики // РЭЖ. 1995й. № 2.
14. Круглова Н.Ю. Инновационный менеджмент / Под ред. Д.С.Львова. - М.: Ступень, 1996.
15. Липсиц И.В., Косов В.В. Инвестиционный проект. -М.: БЕК, 1996.
16. Мелкумов Я.С. Теорическое и практическое пособие по финансовым вычислениям. - М.: ИНФРА-М, 1996.
17. Менеджмент организации / Под ред. З.П.Румянцевой и Н.А.Саломатина. - М.: ИНФРА-М, 1995.
18. Мексон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. - М.: Дело, 1997.
19. Мильнер Б.З. Теория организации. М.: ИНФРА-М, 1999.
20. Норт Д. Институты и институтциональная экономика. -М.: Экономика, 1998.
21. Оголева Л.Н. Инновационный деятельность как объект проектного финансирования: Учеб. пос. - М.: ФА, 1995.
22. Оголева Л.Н., Радиковский В.М. Инновационная деятельность предприятия: Учеб. пос. - М.: ФА, 1997.
23. Оголева Л.Н. Инновационная составляющая экономического роста. - М.: ФА, 1996.

24. Герчикова И.Н. Менеджмент: Учебник. 2-е изд. - М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1995.
25. Питерс Т., Уотерман Р.В. В поисках эффективного управления. - М.: Прогресс, 1996.
26. Поршнева А.Г. Управление инновациями в условиях перехода к рынку. -М., 1998.
27. Рюттингер Р. Культура предпринимательства. - М.: Экономика, 1998.

Қўшимча адабиётлар

1. Смирнов А.В. Организация финансирования инвестиционных проектов. - М.: АО "Консалт-банкир", 1993.
2. Твисс Б. Управление научно-техническими новведениями / Пер. с англ. - М.: Экономика, 1999.
3. Уотерман Р. Фактор обновления: как сохраняют конкурентоспособность лучшие компании. - М.: Прогресс, 1998.
4. Устинов В.А. Управление инновационной деятельностью в процессе создания новой техники и технологии. - М., 1995.
5. Яковец Ю.В. Инновационное инвестирование: новые подходы // Экономист. 1995., № 1.